O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 13 июль № 146 (3421) Сешанба


## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ




***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ғалла мустақиллигига эришиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида бу борада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўзининг улкан самарасини бераётир. Ғалла етиштириш йилдан-йилга кўпаймоқда.***

Деҳқонларимизнинг эл дастурхонини тўкин, ризқини бутун қилиш йўлидаги фидокорона меҳнати туфайли бу йил ҳам ғалладан мўл ҳосил кўтарилди. Тўрт миллион эллик минг тоннадан зиёд дон етиштирилди. Шунинг икки миллион тоннадан кўпроғи давлат омборларига тўкилди. Давлатга сотилган дондан ортиқча ҳосил ширкат ва фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғаллачиликни ривожлантириш бошқармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бу йил 1 миллион 300 минг гектардан кўпроқ майдонга ғалла экилган. Ҳозиргача ана шу ерларнинг саксон фоизидан кўпроғидаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона, Андижон, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилояти белгиланган режани ортиғи билан уддалади.

Ғалла экиш мавсуми уюшқоқлик билан ўтказилгани, навларни танлашда ҳар бир минтақанинг ўзига хос тупроқ, иқлим шароити эътиборга олингани ўрим-йиғимга ўтган йилдагидан кўра 10-12 кун эрта киришиш имконини берди.

Соҳада мулкчилик шаклини ўзгартиришга қаратилаётган эътибор туфайли фермерлар кўпаймоқда. Илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш, экинга ишлов беришда янги агротехнологияларни жорий этиш, бегона ўт, заркунанда ҳамда касалликларга қарши курашнинг самарали усулларини қўллаш муваффақият гарови бўлди.

Президентимизнинг 2003 йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори аграр тармоқни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Деҳқонларимиз учун ажратилган минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиляпти.

Айни кунларда далаларимизда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай қисқа муддатда йиғиштириб олиш, ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, такрорий экинлар экиш ишлари қизғин паллага кирмоқда.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚАШҚАДАРЁ — МАРРАДА

*ҚАРШИ (ЎзА мухбири Ф.БОЗОРОВ).*
**140 минг гектар майдонда ғалла парваришлаган қашқадарёлик миришкорлар давлатга салкам 274 минг тонна дон топшириб, шартнома мажбуриятини бажарди. Вилоятнинг юксак хирмонига Касби, Қарши, Яккабоғ тумани ғаллакорлари салмоқли ҳисса қўшди.**

**Вилоят далаларида ўрим-йиғим давом этмоқда.**



*Шофиркон туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалигининг Бухоро вилоятида алоҳида ўрни бор. Жамоада экинлар агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги, деҳқончилик маданияти яхши йўлга қўйилганлиги боис ҳар доим барча соҳаларда мўл ҳосил етиштирилмоқда.*

*Шунингдек, олинаётган фойда миқдори ҳам мунтазам равишда ошиб бораётганлиги натижасида хўжалик иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, тиббиёт, таълим муассасаларига маблағ ажратилаяпти. Жамоада қўлга киритилган ижобий кўрсаткичлар учун хўжалик раҳбари Азимжон Латипов олий нишон «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган.*

**СУРАТДА: ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Азимжон Латипов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

### *Фармон ва ижро*

***Мустақиллик йиллари хотин-қизларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги ролини ошириш борасида қатор фармонлар ва улар ижросини таъминлаш юзасидан кўплаб қарорлар қабул қилинди. Дарҳақиқат, демократик ўзгаришларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, даврнинг тўлқинли ва шиддатли ислоҳотларида аёлларнинг бевосита иштирокини таъминлаш ҳамиша ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди.***

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ҲАЁТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Хотин-қизлар ҳаракати янгиланаётган жамият, замоннинг томир уришларига мос равишда янги мазмун-моҳият касб этиб бормоқда. Яқин кунларгача кетмонга боғланиб қолган аёллар бугун фермер ва ширкат хўжаликлари, қўшма корхоналар, хусусий тадбиркорлик субъектларига раҳбарлик қилмоқдалар. Ўз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий салоҳиятларини намоён этмоқдалар. Улар яратаётган ишчи ўринлари қишлоқларда хонадонлар иқтисодий аҳволини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Ўз маҳсулотлари билан хорижга чиқаётган "Файз" холдинг компанияси, "Жўрабек", "Фармед" ва бошқа қатор корхоналар аёл ақлий имкониятлари, иқтисодий тафаккури, ташкилотчилик қобилиятларининг баландлигидан далолат беради.

Ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унда мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада, ижтимоий ҳаёт, давлат қурилишидаги ролини ошириш ишида жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги чуқур таҳлил қилиб берилди. Айниқса, хотин-қизлар учун чиқаётган матбуот нашрларида замонамизнинг қандай мавзулари, муаммолари ёритилаётгани, улар миллионлаб оддий заҳматкаш аёллар, ҳаётга энди-энди кириб келаётган ёш қизларнинг талаб-эҳтиёжларини қанчалар тўла ва ҳаққоний акс эттираётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Аслини олганда, аёллар жамиятда, давлатда жуда катта кучни ташкил этади. Аёл, энг аввало, ўз инсоний муқаддас вазифаси — оналик мартабаси юзасидан ҳам янги наслларни дунёга келтириш, тарбиялаш, элга қўшиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, оила мустаҳкамлигини асраб-авайлаш, фарзандларининг маънавий-ахлоқий камолоти учун тинимсиз қайғуради. У оила ва жамиятнинг ўзаги, устуни сифатида, энг аввало, ҳақ-ҳуқуқини яхши таниши, ўзини ҳимоя қила олиши, иқтисодий мустақил бўлиши, замонавий касб-ихтисосликларни ўзлаштириш мажбуриятида эканлигини эндиликда тобора чуқурроқ англамоқда. Бунинг учун эса, унинг ҳунарманд қўлларига муносиб ишчи ўринлар кўпроқ бўлишини истайди.

Чора-тадбирлар дастурида кўрсатилганидек, мамлакатимиз хотин-қизларининг аксарияти қишлоқларда истиқомат қилади. Улар ёзнинг жазирамасида, қаҳратон қишнинг аёзли кунларида, далаларда, боғларда, чўлларда сидқидилдан меҳнат қилиб, қимматли моддий бойлик яратадилар. Баҳор кезлари қишлоқлардан ўтиб қолсангиз, ток бағазларини сўкичакларга боғлаётган юзлаб боғбон аёлларни учратасиз. Ғўза учқулоқ бўлиши биланоқ ягана ва чопиққа бел боғлаб, бола-чақаси билан далага кириб кетаётган меҳнаткаш опа-сингилларни кўрасиз. Пилла мавсуми келганда уйқусиз тонг оттириб, ипак қурти бошида парвона бўлаётган ҳам аёлларимиз. Улар жимитдек жониворни, оддий япроқни ипакка айлантирадилар. Ўттиз-қирқ кунлик кечаю кундуз қилинган меҳнат давлат хазинасига, журналистлар айтмоқчи, «кумуш тола» бўлиб қўшилади. Лекин унинг мана шу машаққатли меҳнатларига ўз вақтида ҳақ тўланаяптими? Ана шу масалада биз журналистлар, айниқса, аёллар муаммоларини ёритувчи нашрлар дадилроқ, билимдонроқ, таъсирчанроқ бўлиши керак эмасми? Президентимиз айтганларидай, халқимиз андишали, сабрли, борига шукур қилиб яшайди. Лекин меҳнати ҳақини вақтида ола билмасдан, тўй-ҳашамини ўтказолмай, қўли қисқа бўлиб қолган оилалардаги муҳитни қандай тасаввур қилиш мумкин? Ана шу борада қишлоқ меҳнаткашлари ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда хотин-қизлар қўмиталари ҳаётга ишчанроқ ва яқинроқ бўлишлари

(Давоми 2-бетда).

Хабарлар оқимидан

### *Қўмита ташаббуси билан*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда «Меҳр ва мурувват» Давлат дастури доирасида кам таъминланган оилалардаги болаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хайрли тадбирларга қўл уришмоқда.

Яқинда Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ИИВ тасаррруфидаги «Оқтош» дам олиш оромгоҳида 51 нафар кам таъминланган ҳамда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг фарзандлари дам олган эди. Жума куни иккинчи мавсумга яна 50 нафар боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари жўнатилди.

**Дилноза ИСЛОМОВА.**

### *Жамғарманинг инсонпарварлик ёрдами*

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги «Бахт» оромгоҳида дам олаётган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган болаларга «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг инсонпарварлик ёрдамлари топширилди.

Мазкур тадбир доирасида оромгоҳда дам олаётган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, жамғарманинг мутахассислари томонидан «Гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт» давра суҳбати ўтказилди. Оромгоҳга тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар ва мультивитаминлардан иборат мурувват ёрдамлари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

*ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).*
***Мамлакатимиз ҳукумати тайёр маҳсулотлар, жумладан, болаларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ихтисослашган корхоналарни рағбатлантириш, ички бозорни тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

## Хорижий сармоя ҳисобига

— Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон — Туркия "Бурсель — Тошкент Текстил" қўшма корхонасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори фаолиятимизнинг асосий йўналишини белгилаб берди, — деди Туркия Бурсель компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Эрхон Ивгин ЎзА мухбирига.

— Чирчиқ шаҳрида амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам қирқ миллион АҚШ долларига тенг. Уни молиялаштириш тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Корхона ишга туширилгандан сўнг йилига салкам 57 миллион дона трикотаж буюм ишлаб чиқарилади. Шундан 16 миллион донаси болаларга мўлжалланган спорт либосларини ташкил этади.

Қўшма корхонада бир ярим минг нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

### *Сўнгги соатда*

## Ғолиб бугун аниқланади



Ливия Араб Жамаҳирияси пойтахти Триполи шаҳрида бўлиб ўтаётган шахмат бўйича Жаҳон чемпионатининг финал баҳси 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ва Буюк британиялик Майкл Адамс ўртасидаги учрашувлар бу билан тугамади.

Бугун, 13 июлда «тайбрейк» мусобақаси, яъни ҳар бири 25 дақиқадан иборат 2 партия жаҳон чемпионини аниқлаб беради.

Мазкур биринчиликда 10 учрашувдан тўққизтасини ғалаба, биттасини дуранг билан якунлаган болгариялик Веселин Топалов ярим финалда ҳамюртимизга айнан «тайбрейк» беллашувида тан берганлиги ишқибозларнинг ёдида турибди.

Бугунги ҳал қилувчи учрашувда Рустамга ғалаба ёр бўлишини тилаймиз!

### *Муносабат*

***Бу манзарани, бу ҳолатни ҳали узоқ унутмасам керак.***
***У Гулистонга тўйга келди. Тўйхона дарвозаси олдида турганлар орасида пичир-пичир, шивир-шивир бошланди. Кимнингдир чеҳрасида истеҳзо пайдо бўлди. Кимдадир эса ачиниш... Меҳмон ҳеч кимга қарамасдан қўлини кўксига қўйиб одамлар олдидан ўтди-да, даврага кириб кетди. Ярим соатдан сўнг, бояги ҳолат такрорланди: қўли кўксида бўлгани билан у яна ҳеч кимнинг юзига қарамай, бу ердан тезроқ чиқиб олсам бўлгани, дегандек шошиб-шошиб қадам ташларди. Уни тузукроқ кузатишмади. Уни фақат ўнлаб нигоҳларгина кузатиб турарди, холос.***

## Раҳбарки ёнмаса, куймаса...

У вилоятнинг биринчи раҳбари эди. Аввалги иш жойида ана шу одам меҳнати билан ўзини кўрсатиб, элнинг оғзига тушганди. Дастлаб у янги жойда ҳам бир қатор хайрли ишларга қўл урди. Босиқ, вазминлиги билан ном чиқазди. Бироқ кўп ўтмай унда ғалати кибр, манманлик дарди кўзга ташлана бошлади. Орадан уч-тўрт ой ўтгач эса у ўзини хон, кўланкасини майдон, деб ҳис қиларди. Садоқатига қараб кишиларга мансаб улашди. Ана шунда унинг атрофини хушомадгўйлар: «тур» деса турадиган, «ўтир» деса ўтирадиган кимсалар ўраб олди. Ўзига берилган катта ваколатдан тузуккина талтайиб ҳам кетди. Қабулхонасида шубҳали одамлар пайдо бўлди.

Энг ачинарлиси тузук-тузук одамлар унга ёқиш учун баъзан ялтоқланишни ҳам ўзларига эп кўрардилар. Бир куни денг, кичикроқ зиёфатда у бир амалдорни ҳамманинг кўз ўнгида ярим шишаароқни ичишга мажбур қилди. Косадаги ароқ лиммо-лим эди. Ароқ аччиқ бўлгани билан мансаб ширин эди. Амалдор ароқни охиригача сипқордию оғзини қўли билан юмиб гандираклаганча ҳовлига чиқиб кетди...

У режанинг қули эди. У фақат режага сажда қиларди.

Одатда ғалла майдонларининг ўқариқ четлари қўлда ўрилиб, деҳқонларнинг ўзига қолдириларди. Унинг буйруғи билан деҳқоннинг ўша арзимас улуши ҳам режа учун тортиб олинди. Одамлари бир қоп ҳам буғдой ололмаган йиллар бўлди. Алал-оқибат, унинг обрўйи ой сайин эмас, кун сайин тушиб борди.

Майли, биз ҳадеганда тарихдан мисол келтириб, тарихга мурожаат қилавермайлик. Андижон, Сурхондарё ва мана яқинда Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессиялари ишини телевидение орқали томоша қилдик, унинг тафсилотларини матбуотда ўқидик. Ана шу сессияларда Юртбошимиз айтган гаплар кишининг баданини жунжиктириб юборади.

Ишонч, оқланмаган ва топталган ишонч. Учала сессиянинг қисқача мазмуни, унда айтилган танбеҳлар ана шу мухтасар сўзга жо бўлади.

Вилоятнинг биринчи раҳбари ёшидан қатъи назар ана шу элда яшаётган одамларнинг маслаҳатгўйи, яловбардори, ташаббускори, борингки, маънавий падари ҳисобланади. Қатор вилоятларнинг биринчи раҳбарларига билдирилган ишончни, эҳтимол, биз бўёқларини қуюқлаштириб таърифлагандирмиз. Зеро, улар ана шу ишончни майдалаб-майдалаб йўққа чиқардилар. Бу ишончни улар худди талқон каби ҳавончага солиб эзғилаб ташладилар. Ўғлим, деди уларнинг бири. Оғайним, деди уларнинг баъзиси. Жигарим, танишим, деганлари ҳам бўлди. Ўтидан кириб кулидан чиқадиганларга улар амал улашдилар. Ана шу яқинлари оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиб яшашни ўзларига касб қилиб олдилар. Қараб турибсизки, биринчи раҳбарлар эл-улусни эмас, ана шу бир тўда оғайниларига суяниб қолди. Уларнинг «дарди»ни одамлар дардидан устун қўя бошладилар. Ўзини, шаънини чирмовуқдек ўраб олган кимсаларнинг гапи-гап, сўзи-сўз бўлди. Тўғри, биринчи раҳбар уларнинг бошини бекорга силагани йўқ. Бекор деганлари нима эканлигини ўша раҳбарларнинг ўзлари яхши биладилар.

Яқинда Китоб довони орқали Самарқандга тушдик. Шаҳар четидан то Регистон майдонигача бўлган кўчанинг чанг тўзонини кўриб ҳайрон бўлдик. Йўлнинг икки четида гўшт дўконлари, ошхоналар жойлашган эди. Машина ғилдираклари тўзғитган чанг худди ана шу жойларга қуюн бўлиб ёпириларди. Аҳмаджон исмли тарвуз сотаётган йигит билан гаплашдим. Ҳар йили кўклам ойлари мана шу йўл қайта таъмирланарди.

Ана шу иш бу йил ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Илож йўқ тишимизни тишимизга қўйиб тирикчилик қилиб турибмиз, деди у. Буни қарангки, ўша воқеага ҳали ўн кун ҳам бўлгани йўқ. Мабодо мана шу йўлдан хорижлик сайёҳлар ўтиб қолишса улар нима дейишлари мумкин. Мақтаган шаҳринг шуми, деган таънани улар айтмайди дея ким кафолат беради?

Хом сут ичган банда, деган нақл бор. Одам боласи адашиши мумкин, қоқилиши мумкин, хато қилиши мумкин. Раҳбарнинг бошига шу иш тушса унга елка тутадиган, қўлтиғига кирадиган кимлар ўзи? Вилоятдаги оқ-қорани таниган, ҳаёт синовларидан соғ-омон чиққан оқсоқоллар, зиёлилар эмасми? Ёғли жойларни эгаллаб, мол-дунёдан бошқа нарсани кўролмай қолган, кўзини шира босган ҳамтовоқлар раҳбарнинг жонига оро кирармикин? Улар суяш, тўғри йўл кўрсатиш ҳақида ўйлармикинлар? Бу туйғуларни юракдан англаб етармикин? Мен бунга ишонмайман. Улар одатда раҳбар дўстининг обрўсини эмас, ўзининг бойлигинию жонини ўйлайди.

Қай бир вилоятни олманг, у ерда танти деҳқонлар, чорвадору ғаллакорлар, тадбиркору ишбилармонлар бор. Катта раҳбар ана шу одамларнинг бошини қовуштирсагина иш олға босади. Ном чиқаради. Обрў топади. Сармоя ҳам келади. Хорижлик тадбиркор ҳам кунда-кунора дарвоза тақиллатиб, унинг ҳаловатини бузади.

Оддий одамларга раҳбарнинг бир оғиз илиқ гапи, бир оғиз далдаси кифоя. Ўша раҳбар йўли тушганда оддий одамларнинг яхши кунларида иштирок этса, ёмон кунларида далда берса бас. Раҳбарнинг илиқ гапини, далдасини эшитганлар бир умр бошлари осмонга етиб юради.

Ахир халқимиз раҳбар зоти борки, уни ҳурмат қилишга ўрганган. Менталитетимиз шунақа. Урф-одатимиз шундай. Халқимиз ишонувчан халқ. Умид билан яшовчи эл. Ўзбекнинг кўнгли қачон қараманг эзгуликка мойил. Яхшиликка тарафдор. Юртбошимиз бежиз одамлар йўқчиликка чидайди, танқисликка сабр қилади, бироқ адолатсизликка тоқат қилолмайди, дея ҳақ гапни кўп айтади. Кўнгли ўзи етиштирадиган пахтадай оқ, даласида ўсадиган буғдойидан ранг олган одамларимиз эзгуликни қанчалик теран англасалар, адолатсизликни ҳам ана шундай тез ажратиб олади. Алифни калтак деёлмайдиган танишингни мансабга ўтказиб қўйиб одамларни қойил қилиб бўладими? Йилда ҳеч бўлмаганда бир маротаба эл таниган, юрт таниган деҳқондан ҳол сўрамасанг ким деган одамсан?

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат! Қандайин оташин шиор. Ва қандайин оташин ният! Буюк давлат буюкликни тушунишдан бошланади. Ўз-ўзини билишдан бошланади. Ўзликни англашдан бошланади. Тарихни сув қилиб ичишдан бошланади. Юртининг келажаги буюк бўлишига ишонмаган одам одамми? Унда яшашдан не маъни бор. Юртнинг келажагига ишонмаганларгина юртга садоқат билан хизмат қилишдан бўйин товлайдилар.

Раҳбар амалга сайланганда, амалга минганда эътибор қилган бўлсангиз унинг атрофида тезда бир тўда хушомадгўйлар пайдо бўлади. Ана шу кимсалар янги раҳбарга садоқат ҳисларини изҳор этишади. Улар раҳбарнинг оғзидан чиққан ҳар қандай талабни бажаришга шай шотирлардир. Шарт битта: биринчи раҳбар улардан ўзининг марҳаматини дариғ тутмаса бўлгани. Қолган ҳамма масалаларни хамирдан қил суғургандай осонгина бажаришади.

Одатда янги раҳбар сайланганда унинг атрофида оддий одамларни учратиш жуда қийин. Деҳқону муаллим, чўпону боғбон ялтоқланишдан уялади. Унинг далада, заводда, боғу яйловларда минг битта юмуши бор. Бир кун кечикса ҳам вақтни бой бериши мумкин, ахир.

Оҳ, ширин каломлар, садоқатнинг чуғур-чуғур сўзлари ялтоқланишу айёрлик билан боқувчи нигоҳлар..., уларни тўда дейиш мумкин. Биринчи раҳбар ана шу тўданинг боши узра оддий одамларни кўролса унинг бахти. Унинг оти марра кўради. У улоқни мингта отнинг ичидан озод юлиб чиқади. Фақат оддий одамларни кўролса бас...

Кўролмасачи? Кўролмаса...

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*14 июль — Франция миллий байрами — Бастилия ишғол қилинган кун*

# Европадаги яқин ҳамкоримиз

Француз халқи тарихида 1789 йилнинг 14 июли ўчмас из қолдирди. Ўша куни бутун Париж халқи империяга қарши курашга отланди ҳамда XIV асрда Париж шаҳри ҳимояси учун қурилган ва XV асрдан империя қамоқхонасига айлантирилиб, тўрт аср мобайнида сиёсий маҳбуслар сақланадиган Бастилия қалъасини эгаллаб олишди. Бу мамлакатда демократик тамойилларга асосланган республика тузумини ўрнатишга бўлган илк қадам эди. Шу тариқа Франция тарихида янги бир давр бошланди. Шунинг учун ҳам 14 июль француз халқининг миллий байрами сифатида эътироф этилган.

Франция Европа Иттифоқи аъзоси. Дунё сиёсий-иқтисодий ҳаётида унинг ўзига хос ўрни бор. Мамлакат иқтисодиётида саноатнинг барча тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган. Франция ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан жаҳонда олтинчи ўринни эгаллайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат чуқур иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирди. 1958 йилидан президентлик бошқарувининг йўлга қўйилиши билан давлат бошқарувида туб ислоҳотлар ўтказилди. Республика президенти этиб сайланган Шарль де Голь Франция ташқи сиёсатида янги дастур ишлаб чиқди. Унда Франциянинг мустақил ва очиқ ташқи сиёсат олиб бориши ҳамда низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, барча давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш каби муҳим жиҳатлар белгилаб олинди. Шарль де Голь бошлаб берган бу сиёсат ҳозирги кунда ҳам Франция ташқи сиёсатининг асосини ташкил этмоқда.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон ва Франция ташқи сиёсатидаги ўхшашликларни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги муносабатлар Амир Темур салтанати даврларига бориб тақалади. Хусусан, Соҳибқирон Франция қироли Карл IV билан ўзаро дипломатик алоқаларни ўрнатган. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга қадам қўйди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги янги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг февраль ойида ўрнатилган бўлиб, ўша йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида Франция Республикасининг элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси эса, 1995 йил сентябрдан бошлаб Париж шаҳрида фаолият олиб бормоқда.



Икки мамлакат ҳамкорликлари ҳар томонлама тенглик асосида амалга оширилиб, бу алоқалар сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, нефть-газ саноати, қурилиш ва бошқа соҳаларда олиб борилмоқда. Ҳозирда икки мамлакат муносабатларига йигирмага яқин қабул қилинган ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1993 йил 27-30 октябрь кунлари Франция Республикасига қилган расмий ташрифи икки мамлакат ҳамкорликларига асос солди. Ташриф давомида Ўзбекистон — Франция Республикалари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи қатор ҳужжатлар имзоланди. Ушбу ташрифнинг яна бир эътиборли томони шундаки, Президентимиз "Янги Европа учун Париж хартияси"ни имзолаб, мамлакатимизнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан алоқаларини янада мустаҳкамлади.

Юртбошимизнинг 1996 йил апрель ойидаги Францияга қилган иккинчи ташрифи ўзаро муносабатлар самарадорлигида янги имкониятлар яратди. Олий даражадаги учрашувлари ҳамда ҳукуматлараро ташрифлар давлатлар ўртасидаги муносабатлар ривожида ўз самарасини бермоқда.

Ўзаро ҳамкорлик алоқалари самараси ўлароқ ҳозирда 11 та француз компанияси мамлакатимизда фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўплаб француз банклари билан қўшма битимлар тузиб, ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Парламенти билан Франция Сенати ўртасида парламентлараро алоқалар ҳам яхши йўлга қўйилган. Франция парламент аъзолари гуруҳи мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюрдилар. Франция Сенати (парламентнинг юқори палатаси)да "Франция — Марказий Осиё" депутатлар гуруҳи тузилган бўлса, Миллий кенгаши (парламентнинг қуйи палатаси)да "Франция — Ўзбекистон" депутатлар гуруҳи иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги яқин ҳамкорлик Европа Иттифоқи билан муносабатлар ривожига ижобий таъсир этмоқда. Айниқса, Европа Иттифоқига янги аъзо давлатларининг қабул қилиниши, Иттифоқ ҳудудининг кенгайиши билан бунинг аҳамияти янада ортиб боради.

Хулоса шуки, икки мамлакат ҳамкорлигининг имкониятлари кенг бўлиб, уни янада ривожлантириш ўзаро манфаатларга тўла мос келади.

**Нурали КЎЧИМОВ.**



# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Киришга рухсат йўқ



***Италия соҳилни қўриқлаш хизмати ходимлари 37 нафар африкалик қочоқни олиб келаётган кемага Сицилия портига киришга рухсат бермаяпти. Айни пайтда италиялик икки врач кемадагиларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Манбада айтилишича, муҳожирларнинг 36 нафари Судан фуқаросидир. Улар фуқаролар уруши бўлаётган Суданнинг Дарфур музофотидан келаётган экан.***

## Мухолифатчилар кўпчилик

***Японияда якшанба куни бўлиб ўтган сайловда мухолифатдаги демократик партия парламентнинг юқори палатасида сезиларли даражада муваффақиятга эришди. Шунга қарамасдан, ҳукумат тепасида турган либерал демократлар икки палатада ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Токиодаги "Би-Би-Си" мухбирининг айтишича, сайлов натижалари мамлакат бош вазири Дзюнитиро Коидзумини қониқтирмади. Шундан сўнг у либерал демократларни танқид қилиб чиқди.***

## ЮКОС рози, бироқ...

***Олдин хабар қилганимиздек, Москва арбитраж суди ЮКОС компанияси 8 миллиард доллар жарима тўлаши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарганди. Аммо шу пайтгача компания раҳбарияти бу қарордан норози эдилар. Куни кеча ЮКОС маъмурияти 2000-2003 йиллар учун яна қўшимча 8 миллиард долларлик солиқни тўлашга розилик билдирган, бироқ бунинг учун уч йил муҳлат берилишини сўрамоқдалар. Компания дастлаб бу маблағнинг 550 миллионини тўламоқчи. Бундан ташқари, компанияга тегишли "Сибнефть"нинг 35 фоизлик акция пакети ҳам гаров сифатида ҳукуматга берилади.***



***Бироқ Россия молия вазири Алексей Кудрин журналистларга ЮКОСнинг мазкур маблағни бир пайтнинг ўзида тўлаш имконияти борлигини маълум қилди.***

## Коалицион ҳукумат тузиш йўлида

***Исроилда мамлакат бош вазири Ариэл Шарон ва мухолифатчилар етакчиси Шимон Перес ўртасида коалицион ҳукумат тузиш юзасидан музокаралар бошланди. Айни пайтда мухолифатчилар Фаластиндан бир томонлама ажралиш тўғрисидаги Шарон режасининг амалга оширилишига ўз норозиликларини билдиришмоқда.***

## Истеъмолчилар норози

***Италияда уяли алоқа телефонидан фойдаланувчилар "иш ташлаш" эълон қилишмоқчи. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи уюшма барча уяли алоқа телефонига эга бўлган фуқароларни 15 июлдан бошлаб ҳар куни икки соатдан телефонни ўчириб қўйишга чақирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, биргина шунинг ўзи компанияларга 500 миллион евро миқдорида зарар келтириши мумкин экан.***



***Истеъмолчилар уяли алоқа телефонига кўрсатилаётган хизматларнинг ўта қимматлигидан норози.***

## Фожиа сабаблари ўрганилмоқда

***Ҳиндистонда Деҳлидаги Сафидарджунг шифохонасида нобуд бўлган 142 чақалоқнинг ўлими сабаблари чуқур ўрганилмоқда. Маҳаллий матбуотда етарлича тиббий эътибор берилмаганлиги туфайли чақалоқлар қурбон бўлганлиги тўғрисида хабар тарқалганди. Бироқ мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Анбумани Рамадосс бу маълумотни инкор қилди.***

## Собиқ раҳбарлар қамоқда

***Аджария ҳуқуқ-тартибот идоралари собиқ уч амалдорни қамоққа олди. Булар мухтор республиканинг собиқ ички ишлар вазири Илью Цулукидзе, унинг ўринбосари Мераб Микаладзе, Батуми портининг собиқ бошлиғи Аслан Болквадзелардир. Аджария прокуратурасининг маълум қилишича, яқин кунларда уларга нисбатан расмий айблов эълон қилинади.***

***Жорий йилнинг 6 майидан Аджариянинг собиқ раҳбари Аслан Абашидзе истеъфога чиққандан сўнг мухтор республикада оммавий қамоққа олишлар бошланиб кетди. Хавфсизлик кенгаши вазирининг собиқ ўринбосари Гоги Купреишвили, Олий Кенгашнинг собиқ раҳбари Георгий Цинцкилудзе ва бир қатор собиқ раҳбарлар айни пайтда қамоқхонада қилмишларига яраша жазо берилишини кутиб ўтиришибди.***

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# АҚШ: Оқ уй учун кураш

### *Катта ваъдалар*

АҚШ президентлиги учун жорий йил ноябрь ойида сайловлар бўлиб ўтишидан хабарингиз бор. Айни пайтда сайловолди жараёнлар авж палласига кирди. Кўпчилик кузатувчилар демократлардан номзод Жон Керрини ҳозирда амалдаги президент Жорж Бушга муносиб рақиб сифатида қарашмоқда.

Жон Форбс Керри 1943 йил 11 декабрда дунёга келган. 1966 йилда Йале университетини, 1976 йилда эса Бостон коллежини тамомлаган. Оилали. Икки маротаба турмуш қурган. Вьетнам уруши қатнашчиси. У адвокат ёрдамчиси сифатида иш бошлаган. Сиёсат оламига 1982 йилда кириб келди. У бу пайтда Массачусетс штати губернатори ўринбосарлигига сайланганди. 1984 йилда эса АҚШ сенаторига айланди.

Давлат раҳбарлигига талабгорлар сайлов майдонига ўзларининг баландпарвоз дастурлари-ю, ишониб бўлмас ваъдалари билан кириб келишади. Керри ҳам ўз дастури америкаликларда катта қизиқиш уйғотишига ишонмоқда. Масалан, у тўрт йил мобайнида Америка бюджетидаги 500 миллиард долларлик камомадни икки баробарга қисқартириш мумкинлиги тўғрисида бонг урмоқда. У бунинг учун давлат миқёсида ислоҳотлар ўтказиш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиққан эмиш.



Бир сафар у Жоржтаун университетида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда ўртаҳол яшаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор беришини айтиб ўтди. Бундан ташқари, у бепул умумий таълимни йўлга қўймоқчи. Яқин ўн йил ичида таълимни ривожлантириш учун 200 миллиард доллар ажратиш мақсади борлигини айтди. Керрининг гапига қараганда, ҳукумат чиқимларини қисқартириш ҳисобига ўн йилда 90 миллиард долларгача маблағ тежаш мумкин экан. Шу ўринда у президент Бушни танқид қилишни ҳам унутмади. Унингча, кичик Бушнинг сиёсий «фирибгарлиги» мамлакат иқтисодиётида тузатиб бўлмайдиган «касаллик»ни келтириб чиқариши мумкин.

Республикачилар Керрининг режаларини қуруқ ваъдалардангина иборат, амалга ошириб бўлмайдиган орзу, деб ҳисоблашмоқда. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, соғлиқни сақлаш тизими борасида қилинган ваъдалар ва давлат бюджетидаги тақчилликни қисқартириш учун солиқлар йиғимини 900 миллиард долларгача кўпайтиришга тўғри келади. Бу ўз-ўзидан сайловчиларга ёқмаслиги маълум.

### *Чўнтакдаги пуллар ҳисоби*

Тиниб-тинчимас журналистлар Жон Керрининг чўнтагидаги пулларни ҳам санашга улгуришди. Сайлов компанияси олдидан кўпчилик номзодларнинг молиявий аҳволи билан ҳам қизиқиши табиий. Айни пайтда у 180 миллион доллар жамғарибди. Бу рақам сайлов куни яқинлашгани сари ўсиб бормоқда. Биргина ўтган ойнинг ўзида Керрининг банкдаги ҳисоб рақамига 34 миллион доллар келиб тушди. Шундан ҳам билса бўладики, демократ Керри кичик Бушга муносиб рақиб.

Кўп ўтмасдан Жорж Бушнинг молиявий ҳисоботи ҳам матбуотда пайдо бўлди. Биргина май ойи охирида сайлов учун тузган фондида 215 миллион доллар жамғарилган.

Жон Керрини мамлакатда катта мавқега эга бўлган шахслар орасидан ҳам қўллаб-қувватловчилар топилмоқда. Жумладан, Нью-Йорк штати сенатори ва Билл Клинтоннинг хотини Хиллари хоним Керрига ишонишмоқда. Ҳатто, маҳаллий матбуотда Керри ғалаба қозонган тақдирда Хиллари хоним катта лавозим курсиларидан бирини эгаллаши тахмин қилинмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Жон Керри Жон Эдварсни вице-президентликка тавсия этган. Жон Эдварс ўзининг консерватив қарашлари билан америкалик ўрта қатлам орасида машҳурдир. У партияга бу курашда катта муваффақият олиб келиши мумкин.

### *Эътироз ва якдиллик*

Одатда сайловолди жараёнларида рақиблар дастлаб бир-бирларини танқид, ҳатто айбларини топиб, фош қилишдан бошлашади. Жорж Бушнинг асосий рақибига айланиб бораётган Жон Керри ҳам ана шу анъанадан чекинганича йўқ. У Буш маъмуриятини бир сафар телевидение орқали қаттиқ танқид қилди. Унинг фикрича, АҚШ раҳбарияти дипломатия тугаган жойда фақат ҳарбий йўл тутаяпти, ҳатто иттифоқчилар фикри билан ҳам қизиқмаяпти. Сенатор Керри охир-оқибат АҚШ ўз иттифоқчиларидан айрилиб қолишидан хавотирда. Бундан ташқари, Керри Буш маъмуриятини халқаро ёрдамларни камайтиришга чақирди.

Айни пайтда Жон Керри АҚШ олиб бораётган ташқи сиёсатнинг баъзи бир жиҳатларини қўллаб-қувватлашини ҳам билдирди. Терроризмга қарши кураш жабҳасида олиб борилаётган кенг кўламли амалиётлар, мамлакат ҳарбий қудратини дунёда етакчи ўринга олиб чиқиш борасида қилинаётган ишлар шулар жумласига киради. Айниқса, демократлар АҚШнинг Афғонистон ва Ироқ масаласида олиб бораётган сиёсатини маъқуллашга мажбур бўлмоқда.

Кузатувчиларнинг фикрича, Бушнинг миллий хавфсизлик борасидаги сиёсати кўпчилик америкаликларга маъқул. Бироқ бу Керрининг имкониятларига соя ташлайди, дегани эмас.

### *Кимнинг қўли баланд?*

Бу саволга ҳозирча аниқ жавоб айтиш қийин. Шундай бўлса-да, New York Post газетаси CBS телеканали билан ўтказган сўровнома натижаларига кўра, Жон Керрининг имкониятлари кичик Бушникидан қолишмайди. Сўровномада қатнашганларнинг 45 фоизи Керрига ишонишади ва унинг номзодини қўллаб-қувватлайди. Бушда эса бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил қилади.

Социологларнинг қайд этишича, бу каби оммавий сайловларда ҳар доим ҳам Америка халқи икки қутбга бўлинади.

80 фоиз республикачилар тарафдорлари Ироққа қарши уюштирилган урушни ёқлайдилар. 66 фоиз демократлар бунга тескари фикрда. Шунингдек, сўровномада мамлакатнинг бугунги иқтисодий аҳволи ҳақида ҳам фикр сўралганди. 88 фоиз республикачилар ҳозирги ҳаётидан нолимайдилар. Яна 66 фоиз демократлар иқтисодий аҳволнинг ёмонлашаётганини айтадилар.

Тадқиқотларда яна бир қизиқ далил пайдо бўлди. Яъни сўровда қатнашган респондентларнинг 82 фоизини АҚШ Президентлиги курсисини ким эгаллаши унчалик қизиқтирмайди. 2000 йилда бу кўрсаткич 68 фоизни ташкил этганди. Бу рақам йилдан-йилга америкаликларда сиёсий фаоллик сустлашиб бораётганини кўрсатмайди. Чунки 74 фоиз респондентлар республикачилар ва демократлар сиёсий дастурларини аниқ фарқлай оладилар. Бу охирги йигирма тўрт йил ичидаги энг катта кўрсаткич, дея эътироф қилинмоқда.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Social Watch тадқиқоти

Берлинда ўтказилган Social Watch тадқиқотлари натижасига кўра, ер юзи аҳолисининг тўртдан уч қисми энг минимал даражадаги ижтимоий ҳимояга ҳам эга эмас. Бунинг асосий сабаби камбағалликдир.

Дунё аҳолисининг барчаси учун яшаш шароитларини яхшилаш масъулиятини 1995 йил Копенгагенда ўтказилган БМТ саммити аъзолари ўз зиммасига олишганди. Форумда камбағаллик билан курашиш, барча учун таълим олиш шароитини яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қолаверса, ҳаммани тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Хўш саммитдан сўнг нима ўзгарди? Камбағаллик устидан ғалабага эришиш учун биринчи навбатда нималар қилинди? Бу саволларга жавобни БМТ саммитида қабул қилинган қарорлар бажарилиши мониторингини олиб борувчи Social Watch нодавлат ташкилоти томонидан чоп этиладиган ҳисоботларда топса бўлади. Энг сўнгги ҳисобот Берлинда тақдим этилди.

Social Watchнинг немис бўлими ҳисоботининг асосий мавзуси инсонлар хавфсизлигидир. Social Watchнинг расмий вакили Клаус Ҳайдель фикрича, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш фақатгина уларни ҳамла, уруш ва терроризмдан ҳимоя қилишдан иборат эмас. Инсон, энг аввало, унинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари паймол қилинмаётгандагина хавфсиз ҳаёт кечириши мумкин.

Social Watch ярмидан кўп аҳолиси оч қолаётган 10 та мамлакатни санаб ўтади. Уларга Гаити, Ангола, Бурунди, Конго Демократик Республикаси, Эритрея, Мозамбик,Замбия, Сомали, Афғонистон ва Тожикистон кирар экан.

Ҳисоботда айтилишича, Ер шарининг кўпгина жойларида тоза сув тақчиллиги сезилиб, у ернинг аҳолиси санитарияга зид шароитларда кун кечирмоқда. Чақалоқлар ўлимининг юқорилиги ва аҳоли саводсизлиги давлатдаги ҳаёт даражасининг пастлигидан далолатдир. Клаус Ҳайделнинг таъкидлашича, Африканинг кўпгина давлатларида таълим олиш масаласи бирмунча яхшиланди. Шунга қарамай 5 та давлат, айниқса, Ангола ва Конгода ҳолат янада кескинлашди.

Аҳвол шундайлигича қолавераркан, яъни дунё аҳолисининг бир қисми паст даражада яшайверса, бой ва камбағаллар ўртасидаги жарлик кенгаяверса, дунёда норозилик кучайиб бораверади.

Ҳайделнинг фикрича, камбағалликка қарши кураш инсонлар хавфсизлигининг асосий омили бўлиб хизмат қилади, айниқса улкан глобаллашув рўй бераётган ҳозирги даврда.

Халқаро терроризмни фақатгина камбағаллик келтириб чиқаради дейиш нотўғри бўларди, албатта. Бироқ шу билан бирга, камбағаллик террорчиликка озуқа бераётганлигини инкор этиб бўлмайди. Дунёда камбағал инсонлар қанча кам бўлса, уруш ва қуролли тўқнашувларга асос бўлувчи омиллар ҳам шунча кам бўлади, дея таъкидлайди Social Watch вакили.

Айни пайтда дунё ҳамжамияти олдида турган муаммолардан бири 2015 йилгача камбағалликда ҳаёт кечираётган дунё аҳоли сонини ҳеч бўлмаса ярмига камайтиришдир. Бироқ бунинг амалга ошишига Клаус Ҳайдель шубҳа билан қарамоқда.

**Бибисора ШАРИПОВА.**

«ВОЛГА» «ГАЗЕЛЬ» автомобиллари СОТИЛАДИ
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини таклиф этади.


191-03-80, 191-10-43.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.

«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун мебелларни арзон нархларда таклиф этади.


Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖНИНГ ТУРИЗМ БЎЛИМИ
барчанинг дидига мос келадиган дам олишни таклиф этади.

* Чорбоғ, Чимгон, Белдерсой, Тошкент денгизи — табиат қўйнида дам олиш.
* Ўзбекистоннинг санаторий ва дам олиш уйлари — даволаниш ва дам олиш.
* Самарқанд, Бухоро — автобус ёки поездда бир ва икки кунлик экскурсия сафарлари.
* Иссиққўл — тоғда жойлашган кўл қирғоғида эсда қоладиган дам олиш.
* Турлар:
- 2004 йилги Олимпия ўйинлари (Греция);
- Миср: Хургада, Шарм-ал-Шайх — Қизил денгиз қирғоғида дам олиш;
- Карлови Вари (Чехия) — дам олиш ва даволаниш;
- Туркия.
Сафарингиз мароқли ўтсин!
Хизматлар лицензияланган (лицензия №189-01) ва сертификатланган.
Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. www.ujdp.uz E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz

Организация реализует со склада вТашкенте:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
Товар сертифицирован
СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д. Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

